
Биография

# Сабоҳат Солихўжаева



Сабоҳат Солихўжаева 1943 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Отаси Солиҳхўжа Ҳакимхўжа ўғли араб ва форс тилларини пухта эгаллаган, мадраса кўрган, дин илмининг етук билимдони бўлса-да, ўша замон зайли ила заводда ишлашга мажбур бўлганди. Онаси Саодатхон Айюбхон қизи оддий уй бекаси, саводли аёл эди, ўша оғир йилларда маҳаллада фақат уларнинг уйида кутубхона бор эди. Бўлажак олима мактабни битириб, 1962 йилда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Кундузи ўзи таълим олган 143-мактабда ишлади. Устозларидан муаллимлик касбининг сиру асрорларини ўрганди. Дастлабки иш бошлаган жамоасидаги меҳр-муҳаббат туйғулари унга бир умр ҳамроҳ бўлди. Муваффақиятларга ундади. Илм билан жиддий шуғуллана бошлади. “Ўзбек тилида равиш ҳоли” мавзусида ёзган диплом ишига филология фанлари номзоди, доцент Фароғат Убаева раҳбарлик қилди. Тажрибали устознинг маслаҳати бўйича ёзилган кичик тадқиқот катта муваффақият олиб келди: “аъло”га баҳоланди, аспирантурага тавсия этилди.

1968 йилда университетни имтиёзли диплом билан битириб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти “Нутқ маданияти” бўлимида катта лаборант вазифасида ишлай бошлади. Бу орада аспирантурада ҳам ўқиди. У устозидан ҳар бир мавзуни синчиклаб ўрганиш, қайта-қайта текшириб кўриб, кейин илмий хулоса чиқариш таълимини олганди. 1978-80 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги “Фан” нашриётида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлади. 1980 йилда Тил ва адабиёт институти “Ҳозирги замон ўзбек тили” бўлимига ишга ўтди. Орадан бир йил ўтгач, “Ўзбек тилида эмоционал гаплар” мавзусидаги диссертацияни ёқлади. Қадрдон устози Фароғатхон Убаева расмий оппонент сифатида ундан маънавий мадад, маслаҳатларини аямади.

Олима пенсияга чиққунига қадар “Эргашган қўшма гаплар тараққиёти”, “Ўзбек тилининг семантик синтаксиси”, “Қўшма гаплар семантик синтаксиси” каби кенг кўламли тадқиқотлар устида ишлади.

# Асарлари:

**1972** Эмоционал гапларда ундовларнинг роли. “Ўзбек тили ва адабиёти”, №3.

**1973** Субъектив баҳо билдирувчи эмоционал гаплар. “Ўзбек тили ва адабиёти”, №3.

**1978** Эмоционалликни ифодаловчи воситалар. “Ўзбек тили ва адабиёти”, №5.

**1986** Эргашган қўшма гап тараққиёти. Коллектив “Ўзбек тилининг революциядан кейинги тараққиёти”. Т.

**1990** Боғланган қўшма гаплар семантик синтаксиси (ҳаммуаллифликда). Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Т.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.